

БМТНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРГАН ИСЛОҲОТЛАРИ

Чориева Зарифа

Турон университети магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада Камғабаллик тушунчаси халқаро ташкилотлар, экспертлар ва олимлар томонидан берилган таъриф, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастур ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, камбағаллик даражасини аниқлаш масаласи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: БМТ, Ўзбекистон, Олий Мажлис, Барқарор ривожланиш мақсадлари, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, камғабаллик.

Жаҳон мамлакатларида камбағалликни тугатиш жуда муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Камғабаллик тушунчаси халқаро ташкилотлар, экспертлар ва олимлар томонидан турлича таърифланган, шунингдек, дунё давлатларда турли мезонлар асосида белгиланади. БМТ таърифига кўра, камбағаллик тушунчаси инсон умри мобайнида турли нарсаларга нисбатан танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, шунингдек, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги каби чекловларда намоён бўлади.

БМТнинг 2015-2030 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган “Барқарор ривожланиш мақсадлари” глобал дастурида камбағалликни камайтиришга биринчи масала сифатида эътибор қаратилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, БМТ томонидан 2000-2015 йилларда амалга оширилган “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” дастурида ҳам ушбу муаммога алоҳида эътибор берилганди. Дарҳақиқат, дунё ҳар қанча ривожланиб борса- да, камбағалликни қисқартириш глобал муаммолардан биридир.

БМТ Жаҳон иқтисодий тадқиқотларини ривожлантириш институтининг хулосаларига кўра, жаҳоннинг бир фоиз энг бой аҳолиси дунёдаги 40 фоиз, жаҳондаги энг бой 10 фоиз аҳоли 85 фоиз активларга эга¹¹. Улардан фарқли равишда, бой аҳоли ҳиссасига дунё бойликларининг 87 фоизи тўғри келади, дунё сармояларининг 48,2 фоизи энг бадавлатларга тегишли ҳамда ҳозирги кунда дунёдаги 2153 нафар миллиардернинг бойлиги сайёрамиз аҳолисининг 60 фоизи эгаллик қилаётган бойликдан кўпроқдир¹².

Кўриниб турибдики, камбағаллик аллақачон умумжаҳон муаммосига

¹¹ Ҳақимов О., Юсупов Қ. Глобал иқтисодий ҳолат ва рисклар // Жамият ва бошқарув, - Тошкент, 2014. №3. -Б. 100.

¹² <https://www.oxfam.org/en/search?keys=rich&page=9>

айланган ҳамда дунё бойликларининг нотенг тақсимланиши ҳисобига камайиш ўрнига, аксинча кўпайиб бормоқда. Шунингдек, жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган сиёсий низолар, иқтисодий инқирозлар, коррупциянинг авж олиши, табиий ва техноген офатлар, турли эпидемия ва пандемиялар қашшоқлар ва камбағаллар сонининг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Демак, дунёнинг барча минтақаларидаги мамлакатлар қашшоқлик ва камбағалликни қисқартириш ва тугатишга ўз иқтисодий имкониятлари, ҳудудий жойлашуви, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, тежамкорлик ва шунга ўхшаш бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ва миллий ёндашишлари талаб этилади¹³.

Таъкидлаш керакки, камбағаллик билан бирга жаҳонда қашшоқлик тушунчаси ҳам мавжуд. Қашшоқлик инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавfli табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади¹⁴. Демак, кишининг иқтисодий даромадлари ҳаётини эҳтиёжлар учун минимал миқдорда танлов даражасига етмаслиги камбағалликни, ҳаёт кечириш учун зарурий эҳтиёжларни мутлақо қондириш имкониятининг мавжуд эмаслиги эса қашшоқликни белгилайди. Халқаро камбағаллик даражаси биринчи марта эълон қилинганидан сўнг бир неча бор қайта кўриб чиқилди ва бир қатор мамлакатларда вазият ўзгариши ва кўпроқ маълумот пайдо бўлиши билан ўзгариб борди.

Тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда камбағаллик мавзуси узоқ йиллар давомида “ёпиқ мавзу” сифатида бўлиб, унинг ўринига “кам таъминланганлик” тушунчаси ишлатилиб келинган. Бироқ, Ўзбекистонда 2016 йилдан кейин камбағалликни қисқартириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон тарихида илк марта 2020 йилнинг 24 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида камбағаллик масаласи кўтарилиб, мазкур мавзу ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Хусусан, Президент Ш. Мирзиёев ўз нутқида “Камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш

¹³ Сакс Джеффри. Конец бедности. - Москва: Издательство института Гайдара, 2011. - С. -128-131.

¹⁴ Камбағаллик ва қашшоқлик ўртасида қандай фарқ мавжуд? - qashshoqlik-ortasida-qanday-farq-mavjud (02.03.2021).

усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”¹⁵, - деб таъкидлади.

Шундан сўнг, камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастур ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, камбағаллик даражасини аниқлаш мақсадида турли халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, нуфузли хорижий экспертлар иштирокида миллий тизим яратила бошланди. Шунингдек, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилиб, такомиллаштирилиб борилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги Қарори¹⁶ билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг институционал асослари яратилиб, камбағалликни қисқартириш масалаларини мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказ ташкил этилди¹⁷.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев мамлакатда камбағаллар сони 4-5 миллион нафари эканлигини таъкидлаб¹⁸ кам таъминланганлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қўламли ислохотлар пакети ишга туширди. Мамлакатда бевосита камбағалликни қисқартириш борасида халқаро ташкилотлар (БМТ Тараққиёт дастури, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқалар), молиявий институтлар (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки) ҳамда ушбу йўналишда илғор тажрибага эга мамлакатлар илмий марказлари (Хитой Камбағалликни қисқартириш халқаро маркази) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди¹⁹.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Президенти томонидан БМТнинг 75-сессиясида илгари сурилган қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш таклифи катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ушбу муаммога қарши бир ёки бир неча мамлакат иштирокида эмас, балки халқаро миқёсда курашиш лозим. Шундагина амалий натижаларга эришиш мумкин.

Ўзбекистон - аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатларидан қаторидан жой олади (йилига киши бошига ўртача 1533 АҚШ доллари)²⁰. Ўзбекистон учун камбағаллик чизиғи - кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани, мисол учун беш кишидан

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020йил 24 январь. // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/4776766?otherlang=1>

¹⁷ <https://mineconomy.uz/uz/info/330> (11.04.2020)

¹⁸ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2021. -Б. 438.

¹⁹ Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш учун нималарга эътибор қаратилмоқда? // <https://uznews.uz/uz/article/30804/>

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўқув қўлланма. -Тошкент: “Маънавият”, 2021. -Б.228.

иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллардан кам бўлса, бу оилани камбағал деб ҳисоблаш мумкин²¹.

2018 йилдан буён Жаҳон банки ва “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамкорликда “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” деб номланган лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида Жаҳон банкининг Қашшоқлик ва тенглик бўйича глобал амалиёт марказининг эксперти Уилям Зейтц раҳбарлигида “Улар қаерда яшайдилар? Марказий Осиёда туманлар миқёсидаги қашшоқлик даражаси, ўртача истеъмол ва аҳолининг ўрта синфи кўрсаткичлари” номли ҳисоботи тайёрланди²². Ушбу ҳисоботда кам таъминланган ва ўрта синф аҳоли яшайдиган туманларнинг хариталари келтирилган бўлиб, унда энг тез ривожланаётган ва аксинча орқада қолаётган қолоқ туманларни аниқдаш имкониятлари очиқ берилган. Ушбу ҳисоботда фойдаланилган услубнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерда халқаро қашшоқлик чегарасидан (қунига \$1,90) ташқари, шунингдек, мамлакатларнинг ривожланиш хусусиятлари ва ривожланиш босқичларини ҳисобга олган ҳолда даромадлар бўйича бошқа қашшоқлик чегаралари қўлланилган.

Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудларида қашшоқлик даражаси қунига 3,2 долларни ташкил этган ҳолатда, Марказий Осиёнинг бошқа (Тожикистон, Қирғизистон) мамлакатларига қараганда нисбатан паст²³. 2018 йилда қунига 3,2 долларни ташкил этадиган қашшоқлик чегарасидан пастда бўлган аҳолининг улуши 9,6 фоизни, қунига 5,5 долларга тенг бўлган қашшоқлик даражасида эса 36,6 фоизни ташкил этаётганини кўрсатмоқда. Натижалар Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида даромаднинг нотекис тақсимланганлиги кўрсатди. Қашшоқликнинг юқори даражаси Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида кузатилмоқда. Ўрта синф аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улушининг энг паст даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида кузатилмоқда.

Ўзбекистоннинг салкам 16 фоиз аҳолиси ночорликда кун кечириб, уларнинг 75 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади. Мамлакат олдида турган муаммолардан бири ишга жойлаштириш имкониятининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ ва шаҳар туманлари орасида фарқ катталигича қолмоқда. Ишсизликнинг юқорилиги, ойлик маошларнинг пастлиги аҳолининг оммавий равишда Россия, Қозоғистон, Туркия ва Жанубий Кореяга меҳнат миграциясига олиб келмоқда²⁴.

²¹ Мустафақулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2020, №1, -Б. 80-81.

²² Зейтц У. Где они живут? Показатели уровней бедности, среднего потребления и среднего класса в Центральной Азии на районном уровне //

²³ Мустафақулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2020, №1, -Б. 80-81.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўқув қўлланма. -Тошкент: Маънавият, 2021. -Б.231.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги “Иқтисодий ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони²⁵ қабул қилиниб, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича механизмлар белгилаб берилди. Дунёда камбағалликни қисқартириш бўйича қатор мамлакатларнинг тажрибалари мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда “Маҳаллабай” иш тизимининг ташкил этилганлиги бу аслида камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усуллари билан бири саналиб, мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашилмоқда. 2022 йилдан республика миқёсида 9 минг 309 нафар ҳоким ёрдамчиси иш бошлади. Улар маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга маъсул бўлди²⁶.

Хулоса қилиб айтганда, камбағалликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Аслида камбағалликни тамомила йўқотиб бўлмасда, уни қисқартиришга 2 йўл билан эришиш мумкин: биринчидан, камбағалларда иқтисодий фаолликни уйғотиш. Шунинг учун муҳтожларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдам орқали муаммони ҳал қилишда ижобий натижаларга эришиш мумкин эмас. Аҳоли камбағал қатламининг сабабларини ҳисобга олган ҳолда, уларга моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзини зарур даромадлар билан таъминлайдиган шароитлар яратилганда эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ҳақимов О., Юсупов Қ. Глобал иқтисодий ҳолат ва рисклар // Жамият ва бошқарув, - Тошкент, 2014. №3. -Б. 100.

2. Сакс Джеффри. Конец бедности.- Москва: Издательство института Гайдара, 2011.-С.-128-131.

3. Камбағаллик ва қашшоқлик ўртасида қандай фарқ мавжуд? (02.03.2021).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/uz/docs/4776766?otherlang=1> (11.04.2020)

6. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2021. -Б. 438.

7. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш учун нималарга эътибор қаратилмоқда? // <https://uznews.uz/uz/article/30804/>

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги ПФ-5975-сонли Фармони/<https://lex.uz/docs/4776669>

²⁶ Шарипов Д. Маҳаллабай ишлашнинг ўзига хос усули / Янги Ўзбекистон, 2022 йил 25 январь. №16 (538) 1-3-бетлар.

9.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўқув қўлланма. - Тошкент: “Маънавият”, 2021. -Б.228.

10. Мустафақулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. Иқтисодиёт ва инновацион технолоиялар. 2020, №1., -Б. 80-81.

11.Зейтц У. Где они живут? Показатели уровней бедности, среднего потребления и среднего класса в Центральной Азии на районном уровне //

12.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўқув қўлланма. - Тошкент: Маънавият, 2021. -Б.231.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги ПФ-5975-сонли Фармони/<https://lex.uz/docs/4776669>

14.Шарипов Д. Маҳаллабай ишлашнинг ўзига хос усули / Янги Ўзбекистон, 2022 йил 25 январь. №16 (538) 1-3-бетлар.